

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

3-сон
(919)
2020 йил
27 январь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

23. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январдаги ўРҚ–603-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

24. «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ–5924-сон Фармони
25. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 январдаги ПҚ–4569-сон қарори

26. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 январдаги ПҚ-4570-сон қарори

Бешинчи бўлим

27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 28 декабрдаги 33/7-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-8*)
28. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 30 декабрдаги 01/11-14/63-сон «Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 887-7*)
29. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 20 декабрдаги 14-сон «Қорақўлчилик субъектларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3213*)
30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 21 декабрдаги 31/8-сон «Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 18 январдан 24 январгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****23****Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 9 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги 734–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 417-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) **10-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг барабари миқдоридан кўп бўлган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6,

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 23 январда эълон қилинган.

300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда) **8-моддасининг учинчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда) қуйидаги мазмундаги **148¹** ва **148²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«148¹-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлиғига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

148²-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик барава-ригача миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракат вояга етмаган шахсга нисбатан худди шундай қил-миш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Рес-публикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотно-маси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-мод-да, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-мод-да, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-мод-далар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-модда-лар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-мод-да, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-мод-да, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда,

№ 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) **49¹-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;
- 2) қўйидаги мазмундаги **50¹-модда** билан тўлдирилсин:

«50¹-модда. Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Мансабдор шахс томонидан хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хусусий бандлик агентликларининг мансабдор шахслари томонидан ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этмаслик, худди шунингдек маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки маълумотларни тақдим этиш муддатларини бузиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

- 3) **51-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

- 4) **60-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ердан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга (бундан ер ости бойликлари ва ер ости сувлари мустасно) эғалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш»;

- 5) **70-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш» деган сўзлардан кейин «(бундан фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **70²-модда** билан тўлдирилсин:

«70²-модда. Фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш

Фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш, худди шунингдек олтин изловчилар усулида лицензиясиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ҳамда дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш кулоли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

7) 147-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек йўл ҳаракатига қасддан, шу жумладан йўл копламасини ифлослантириш йўли билан ҳалал бериш, худди шунингдек автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса — ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

8) 230-модда қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этишни таъминлашга доир чораларни васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки тиббиёт муассасасининг мансабдор шахслари, топиб олинган (ташлаб кетилган) бола турган муассаса маъмурияти томонидан кўрмаганлик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тиббиёт муассасасининг мансабдор шахслари томонидан туғилишни ва ўлимни ўз вақтида қайд этишни таъминлаш чораларини кўрмаганлик, худди шунингдек туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотномани ёхуд ўлим ҳақидаги, шу жумладан перинатал ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳномани нотўғри ва (ёки) ноаниқ тўлдирганлик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) 245-модданинг биринчи қисми:

«70¹-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлардан кейин «70²-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«146¹-моддасида» деган сўзлардан кейин «147-моддасида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **248-модда иккинчи қисмининг 5-банди** «147-моддаларида» деган сўзлардан кейин «(автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузишга тааллуқли қоидабузарликлардан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) **255-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 49, 49², 49³, 50, 50¹, 51 ва 229-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади»;

12) **260¹-модданинг биринчи қисми** «(бундан ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги қисми мустасно)» деган сўзлардан кейин «70²-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **268²-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«268²-модда. Курилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси

Курилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 99 ва 178-моддаларида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади»;

14) қуйидаги мазмундаги **268⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«268⁴-модда. Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш органлари

Ушбу Кодекснинг 99-моддасида (йўл-қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузишга оид қисми), 147-моддасининг биринчи қисмида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «**Ўсимликлар карантини тўғрисида**»ги 113–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–484-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 429-модда) **30-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда) **15-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозим. Бундай зарарнинг ўрни давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бекор қилинган, уларнинг маблағлари етишмаган ёхуд давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари бўлмаган тақдирда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Зарар қайси давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган бўлса, суднинг қарори билан зарарнинг ўрнини қоплаш ушбу органлар мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилиши мумкин».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **84-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади»;

2) **88-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда жамиятнинг аффилланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда № 10, 670, 677-моддалар; 2019 йил, № 7, 389-модда, № 8, 471-модда, № 11, 792-модда) **1-илоvasи** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **7-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жамият иштирокчилари ўртасида мурасасиз зиддиятлар сабабли қарор қабул қилиш учун етарли овозлар сони мавжуд бўлмаганлиги туфайли жамиятни бошқариш масалалари юзасидан келишувга эришиш мумкин бўлмаган тақдирда, низоли вазият суд тартибида ҳал этилади»;

2) **46-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан кўп бўлган жамиятлар мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган ҳар йилги аудиторлик текширувидан ўтиши шарт».

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

11-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1, 3-моддалари, 4-моддасининг 1, 2, 3, 7-бандлари, 9-бандининг учинчи хатбошиси, 10, 11, 13, 14-бандлари, 8-моддаси, 9-моддасининг 2-банди мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 январь,
ЎРҚ–603-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

24 Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республикада охириги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд.

Мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) жараёнига инновацион шакллар ва усулларни жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар жисмоний тарбия ва спорт тизимини ислоҳ қилишнинг 2025 йилгача асосий йўналишлари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётган аҳолининг умумий сонини 30 фоизгача, спорт ташкилот ва муассасаларида шуғулланаётган ёшларнинг умумий сонини 20 фоизгача ошириш;

давлат спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркиби, хусусан олий маълумотли ходимлар сонини босқичма-босқич 80 фоизгача етказиш;

жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тўрт босқичли — ташкилот-туман (шаҳар)-худуд-республика тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт мактаблари ўқувчи-спортчилари ўртасида «Болалар спорт

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 январда эълон қилинган.

ўйинлари»ни ўтказиш орқали иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва ёшлар терма жамоаларига захира яратиш ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Талабалар спорт ўйинлари»ни ташкил этиш натижасида талабаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш;

аҳолининг кенг қатламлари, жумладан умумтаълим мактаби ўқувчилари, профессионал ва олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ўртасида жисмоний тарбияни оммалаштириш, улар орасида иқтидорлиларини аниқлаш мақсадида «Умумтаълим мактаб спорти» фестивали, «Жисмоний тайёргарлиги ривожланган муассаса» кўрик-танловини босқичма-босқич (туман/шаҳар, ҳудуд, республика) ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва жисмоний тайёргарлик даражаси ривожланган энг яхши умумтаълим мактаби, профессионал ва олий таълим муассасаси номинациясини жорий этиш;

2020 йилдан бошлаб спорт соҳасида «Tashkent Marathon» халқаро марафони, «Save Aral» халқаро экомарафони, авторалли ва мотокросс спорт мусобақаларини тизимли ўтказиш орқали спорт туризмини ривожлантириш;

аҳолининг барча қатламлари ўртасида «Жисмоний тайёргарлик даражаси» синовларини ўтказишни жорий этиш;

спорт турлари бўйича терма жамоалар спортчилари учун илмий-комплекс лабораториялар ташкил этиш, тайёргарлик жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда спорт соҳасида самарали тиббий ва фармакологик таъминотни йўлга қўйиш;

спорт турлари бўйича 18 ёшгача бўлган ҳудудий терма жамоа аъзоларини ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг ўсмирлар бўлимларида ва ундан катта ёшдаги ҳудудий терма жамоа аъзоларини туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб бориш механизмини жорий этиш;

2020 йил 1 февралдан бошлаб босқичма-босқич олимпия спорт турлари бўйича республика спорт мусобақаларида допинг-тест намуналарини олиш тизимини жорий этиш;

қишки Олимпия спорт турлари инфратузилмасини яратиш, ушбу спорт турларини оммавийлаштириш орқали профессионал спортчиларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

Ўзбекистон спорт делегацияларини нуфузли спорт мусобақаларига тизимли тайёрлаш бўйича Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида Олимпия тайёргарлик марказини ташкил этиш;

хорижлик спортчи ва мухлисларни кенг жалб қилиш ҳамда спорт инфратузилмасидан самарали фойдаланиш мақсадида «хоспиталити хизматлари»ни йўлга қўйиш, «Sport Visa» қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визасини жорий этиш;

спорт соҳасида хусусий сектор иштирокини ошириш, шу жумладан спорт ташкилотларида давлат улушини камайтириш бўйича зарур чоралар белгилаш;

спорт лотереяларини ташкил этиш орқали спортни қўшимча молиялаштириш тизимини кенгайтириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Қуролли Кучлар тизимидаги

таълим муассасалари, жумладан «Темурбеклар мактаби» ўқувчи-талабалари учун «Армия ўйинлари» дастурига киритилган спорт турлари бўйича факультатив машғулотлар ва тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт иншоотлари ва муассасаларининг бошқарув тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, жумладан «Sport.uz» ахборот тизими орқали спорт иншоотларининг телекоммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш;

миллий спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш, уларни Осиё ва Олимпия ўйинлари дастурларига киритиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ;

Республика туман (шаҳар)ларни устувор, истиқболдаги, ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштириш рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепцияда назарда тутилган мақсадли кўрсаткичлар ва асосий йўналишлар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан, шунингдек, ушбу тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган «Йўл харитаси» орқали босқичма-босқич амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ҳар йили 1 ноябрга қадар келгуси йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси (кейинги ўринларда — республика календарь режаси) спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан шакллантирилади ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади;

республика календарь режасида белгиланган харажатлар таркибида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар)нинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, спортчиларни суғурталаш харажатлари назарда тутилади;

тасдиқланган республика календарь режасига асосан ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

* 2 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ҳар йили 1 декабрга қадар тасдиқланади;

спортчи ёшларни саралаш ва катта спортга иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция), спорт захирасини шакллантириш тизимини йўлга қўйиш, ёшлар орасида спортни оммалаштиришда юқори натижаларга эришиш мақсадида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг қизиқиши ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактаблари олий таълим муассасалари камида биттадан устувор, истиқболдаги, ривожланаётган, шу жумладан миллий спорт турларига ихтисослаштирилади;

ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари бириктирилган ҳудудларда, шу жумладан маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш бўйича масъул этиб белгиланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари: жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иншоотлари инфратузилмасини ривожлантириш;

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети, туман (шаҳар) бюджетлари даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағларни ҳудудий спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини қўшимча молиялаштириш учун йўналтириш;

республика спорт федерациялари (уюшмалари) билан биргаликда олий таълим муассасаларини спорт турлари бўйича ихтисослаштириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, «Жисмоний тайёргарлик даражаси» синовларини ўтказиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ҳар чоракда муҳокама этиб бориш;

тегишли ҳудудда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш ҳамда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича масъул ҳисобланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар, ўз тасарруфида бўлган ёки тегишли ҳудудда жойлашган очиқ спорт объектлари (стадион, футбол майдони ва бошқа спорт объектлари) ҳамда истироҳат боғларида (хусусий тадбиркорлик субъектларига тегишли объектлар бундан мустасно) аҳолининг югуриш, юриш ва бадантарбия турлари билан бепул шуғулланиши учун шароит яратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг: вазирлик марказий аппарати тузилмасидаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг бошқармаси негизида Ички аудит ва молиявий назорат бошқармасини ташкил этиш;

спорт паспортини расмийлаштириш ва бериш учун йиғимни пул тўлови амалга оширилаётган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим муассасаларининг спорт иншоотларини, уларда реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича инвестиция мажбуриятини олган ҳолда, ўқув машғулотларидан бўш вақтда тадбиркорлик субъектларига фойдаланишга бериш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда спорт лотереяларини ташкил этиш ва юридик шахслар томонидан спорт лотереяларини ўтказишдан олинган даромаднинг 10 фоизигача бўлган қисмини бюджетдан ташқари «Спорт» махсус ҳисоб рақами маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбаси этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг туман ва шаҳар бўлимлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тизимдаги спорт мактаблари ва коллежлари ўқув синф ва лаборатория хоналари ҳамда ётоқхоналарини жиҳозлаш учун Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари «Спорт» махсус ҳисоб рақамига 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 50 миллиард сўм маблағ ажратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда «Миллий банк» АЖ жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун 200 миллион евро, шу жумладан 2020 йилда 50 миллион евро миқдорида халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредит маблағларини (кейинги ўринларда — кредит маблағлари) жалб қилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, лойиҳа ташаббускорларига:

2020 — 2021 йилларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этиш учун ажратиладиган тижорат банкларининг суммаси 10 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган миллий валютадаги кредитлар учун — асосий ставкадан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қоплаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу имтиёзлар учун зарур бўлган маблағларни Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига белгиланган тартибда ажратсин;

кредит маблағлари жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этишда инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан фойдаланишни назарда тутувчи намунавий лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда лойиҳа таш-

килотларини жалб қилган ҳолда бир ой муддатда илғор хорижий давлатлар тажрибаси, таълим муассасалари ва бошқа объектларнинг қуввати ҳамда мазкур бандда кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, ҳар бир спорт турлари бўйича барпо этиладиган спорт объектларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

10. 2020 йилда халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредитлари ҳисобидан республика ҳудудларида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этиш бўйича истиқболли лойиҳаларнинг йиғма кўрсаткичлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги таркибидаги спорт таълими муассасаларининг штат бирликлари доирасида спорт диетологи, спорт психологи, спорт фармакологи, массажчи ва селекция бўйича тренер лавозимлари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактабларида ҳар бир спорт тури бўйича Бош тренер-селекционер лавозимини жорий этиш;

спорт муассасаларининг харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида спорт тайёргарлигидан ўтаётган ўқувчи-спортчининг спортадаги натижалари яхшиланганда ва у бошқа юқори даражадаги спорт таълими муассасасига ўтказилганда, уни тайёрлаган тренерга бир ойлик иш ҳақи миқдорида бир марталик мукофот пули тўлаш;

спорт мактаблари эришган натижаларига кўра улар мақомини қайта кўриб чиқиш ва белгилаш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 1 февралдан бошлаб спорт соҳасидаги ютуқларни муносиб равишда рағбатлантиришни назарда тутувчи қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида охирги уч йилда ғолиб ва совриндор (1 — 3 ўрин) бўлган спортчи-ўқувчиларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган олий таълим муассасаларига (тиббиёт йўналишидан ташқари) қўшимча давлат гранти асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилиш;

б) «Болалар спорт ўйинлари»нинг жамоавий ўйин турлари бўйича республика босқичи:

ғолибларига (1-ўрин) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида соҳа бўйича мутахассислик фанидан максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи, уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилиш;

ғолиб ва совриндорларни (1 — 3 ўрин) тайёрлаган жисмоний тарбия

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фани ўқитувчиларини республика календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан эгаллаган 1-ўрин учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг — 6 баравари, 2-ўрин учун — 4 баравари, 3-ўрин учун — 3 баравари миқдорида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирлаш;

в) умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган жисмоний тарбия фан олимпиадасининг ғолиб ва совриндорларини (1 — 3 ўрин) тайёрлаган жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт таълим муассасаларининг тренерлари малака аттестациясига жалб этилмасдан, уларга:

туман (шаҳар) босқичи ғолиб ва совриндорларини (1 — 3 ўрин) тайёрлагани учун — иккинчи малака тоифасини;

вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларини (1 — 3 ўрин) тайёрлагани учун — биринчи малака тоифасини;

республика ва халқаро мусобақалар ғолиб ва совриндорларини (1 — 3 ўрин) тайёрлагани учун — олий малака тоифасини тўғридан-тўғри бериш;

г) олимпия спорт турлари бўйича республика (1-ўрин) ва халқаро мусобақаларда (Олимпия ва Паралимпия ўйинларида, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатида ва Осиё чемпионатида 1 — 3 ўринлар) ғолиб чиққан олий таълим муассасалари талабаларини тайёрлаган жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги кафедралар ўқитувчиларига навбатдаги илмий унвонларни (доцент, профессор) тўғридан-тўғри бериш.

13. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

спорт мактабларининг ўқув дастурларида ўқув машқлар соатини қисқартириш ҳисобига ушбу мактаблардаги тренер-ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаси ҳар ҳафтадаги бевосита ўқув-машқ ишларининг 24 академик соати учун белгилаш;

босқичма-босқич туман (шаҳар) болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги бош ҳисобчи лавозимлари ҳисобидан туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида марказлашган бухгалтерия хизматини жорий этиш ҳамда унга туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларини молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг ҳисобини юритишни юклаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида, унинг ҳудудий бошқармалари тузилмасига қўшимча 28 та бошқарув ходими штат бирликлари киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилига қадар олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва фан дастурларини такомиллаштирсин ҳамда битирувчиларга жисмоний тарбия ўқитувчиси ва ихтисослашган спорт тури бўйича тренер квалификациясини бериш амалиётини жорий этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) билан биргаликда ҳудудларда ихтисослаштирилган туман (шаҳар), умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларини спорт йўналишлари бўйича зарур ўқув адабиётлар, методик қўлланмалар ва йўриқномалар билан таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Миллий банк» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини барпо этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий банклар томонидан ажратилаётган кредитлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2020 йилнинг 1 июнига қадар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимида ягона электрон бошқарув тизимини жорий этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, давлат бюджетидан спорт соҳаси учун, шунингдек, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика ва ҳудудий календарь режалари учун ажратиладиган маблағлар тақсимланиши ва ишлатилишининг тўлиқ назоратини амалга ошириш, улар бўйича ҳисоботларни шакллантириш, спорт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар тушумларини назорат қилиш ва ишлатилиши шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармон ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов — мазкур Фармон ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирадиган, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш, Концепция ва «Йўл харитаси»ни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, жисмоний тарбия ва спортни аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида оммалаштириш борасида спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) билан яқиндан ҳамкорлик қилсин, соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил этсин, мазкур Фармонда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва

амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Зокиров — инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан спорт заллари (бокс, кураш, фитнес, гимнастика), футбол, волейбол, баскетбол, бадминтон ва теннис майдонларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқилишини ҳамда ушбу соҳада мавжуд қурилиш норма ва стандартларини қайта кўриб чиқилишини таъминласин, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари — удудларни устувор, истикболдаги ҳамда ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштириш бўйича ишларни самарали ташкил қилсин, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига мувофиқ ҳудудий спорт мусобақаларини тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ҳамда юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чораларни кўрсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — Концепция ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ишчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в. б. А.Д. Хаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори в. б. К.И. Алламжонов — мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 январь,
ПФ-5924-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 24 январдаги
ПФ-5924-сон Фармони
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари ва узоқ муддатли ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб беради, жумладан:

2025 йилга келиб мамлакат аҳолисининг саломатлик даражасини яхшилашга эришиш;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари сонини ва спорт таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни молиявий таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг умумий сонини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилғи-энергетика ва кимё саноатини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимлари киритилсин;

б) қуйидагилар:

Давлат активларини бошқариш, саноатни ва рақобатни ривожлантириш масалалари котибияти;

Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти;

Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти;

Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти;

Спорт ва туризмни ривожлантириш масалалари котибияти;

Ёқилғи-энергетика ва кимё саноатини ривожлантириш масалалари котибияти;

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш масалалари котибияти ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 241 нафар штат бирлигидан иборат бўлган янги-ланган ижро этувчи тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлиги ва натижадорлигини ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг умумий штатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

4. Белгилансинки:

қўшимча 6 нафар бошқарув ходимлари штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимида штат бирлигини 2 нафарга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2 нафарга ва Адлия вазирлиги тизимида 2 нафарга қисқартириш ҳисобидан;

қўшимча 7 нафар бошқарув ходимлари штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

а) қуйидагиларни:

бир ҳафта муддатда — Вазирлар Маҳкамаси аппарати бўлинмаларининг тузилмаларини ва янгиланган штат жадвалини;

ўн беш кун муддатда — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг функционал вазифаларини;

бир ой муддатда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қабул қилсин;

б) бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг янгидан ташкил этилган таркибий бўлинмаларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган вазифалар сифатли ишлаб чиқилиши ва самарали бажарилишини юксак профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПҚ–4136-сон қарорининг 3-банди, шунингдек, қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси Р.В. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 январь,
ПҚ–4569-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**26** **Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида***

1. 2019 йил 1 август куни Минск шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида таълимга оид ҳужжатларни, ўқишга оид ҳужжатларни ўзаро тан олиш тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган ҳақидаги тегишли билдириш-номани Беларусь томонига юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 январь,
ПҚ-4570-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 23 январда эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

27 **Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2019 йил 11 декабрдаги ЎРҚ–592-сон «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сон қарори (рўйхат рақами 1863, 2008 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 40-41-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 декабрь,
33/7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 23 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
28 декабрдаги 33/7-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Банк сири тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда банк мижозларига хос рақам бериш ҳамда уларнинг ҳисобварақлари рўйхатини юритиш ва мижозлар ҳисобварақлари тўғрисида маълумотлар олиш тартибини белгилайди.».

2. 3-банддаги «бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «ийғимларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «80000001» рақами «60000001» рақами билан алмаштирилсин.

4. 37-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга асосан тижорат ташкилотларининг банк ҳисобварақларига тўққиз ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти бўйича пул маблағлари тушмаганда тижорат банклари томонидан уч иш кун ичида у ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали электрон маълумот тақдим этилади.»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хизмат кўрсатувчи банк томонидан ушбу маълумотлар тўғрисида БДМАБга, БДМАБдан эса Давлат солиқ қўмитаси учун электрон хабарнома шу куннинг ўзида узатилади.»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, БДМАБ базасига «25» белгиси қўйиб жўнатиш 3-сўров тури, фақат давлат солиқ органларига молия-хўжалик фаолиятини тўққиз ой мобайнида амалга оширмаётган тижорат ташкилотлари тўғрисида маълумот киритиб қўйилади.».

5. 43-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга асосан тижорат ташкилотларининг банк ҳисобварақларига тўққиз ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти бўйича пул маблағлари тушмаган тижорат ташкилоти бўйича маълумот жўнатилгандан сўнг, унинг фаолияти қайта тикланганда, 4-сўров «26» белгиси билан фаолияти қайта тикланган санаси кўрсатилган ҳолда шакллантирилиб, хизмат кўрсатувчи банк томонидан БДМАБга, БДМАБдан эса давлат солиқ органларига электрон маълумот узатилади.

Бунда, БДМАБ базасига «26» белгиси қўйиб жўнатилган 4-сўров тури, фақат давлат солиқ органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотлари фаолияти қайта тикланганлиги тўғрисида маълумот киритиб қўйилади.».

6. 58-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«58. Мижознинг асосий депозит, ссуда ва махсус (232XX) транзит ҳисобварақлари рўйхатини олиш учун 8-сўров турини шу мижозга хизмат кўрсатувчи барча банк филиаллари юбориши мумкин. Ҳисобварақлар тўғрисида олинган маълумотлар «Банк сири тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида сир сақланиши лозим.».

7. 1-иловада:

бешинчи, саккизинчи, ўн бешинчи ва ўн саккизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — йигирма олтинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«25» белги — тўққиз ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тижорат ташкилотлари бўйича маълумот Давлат солиқ қўмитаси ҳамда барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади;

«26» белги — тўққиз ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тижорат ташкилотининг фаолияти қайта тикланганда БДМАБга узатилади.».

8. 5-илованинг изоҳидаги «мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган «2», «3», «4», «6», «7», «8», «9», «21», «23» деган сўзлар «мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган «2», «4», «7», «8», «9», «21», «23», «25» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 6-илованинг изоҳидаги «мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган «12», «13», «14», «16», «17», «18», «19», «22», «24» деган сўзлар «мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган «12», «14», «17», «18», «19», «22», «24», «26» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 9-илованинг изоҳидаги «мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган «3», «4», «6», «11», «15», «18», «19», «20» деган сўзлар «мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган «4», «11», «15», «18», «19», «20», «25» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

28 Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 887-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси томонидан 1999 йил 29 декабрда 17-сон билан тасдиқланган Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага (рўйхат рақами 887, 2000 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 3-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

С. БЕКЕНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 декабрь,
01/11-14/63-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
давлат активларини бошқариш агентлиги
директорининг 2019 йил 30 декабрдаги
01/11-14/63-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини
инвентаризация қилишни ташкил этиш ва қийматини
аниқлаш бўйича йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1.6-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2.9-банднинг бешинчи хатбошисидан «ҳамда тугатилаётган корхонанинг муҳри билан тасдиқланиши (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 8-иловадан «М.Ў.» қисқартмаси чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**29 Қорақўлчилик субъектларига субсидия бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3213*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 январда эълон қилинган.

1. Қоракўлчилик субъектларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. НОРҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 декабрь,
14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни ривожланти-
риш давлат қўмитасининг 2019 йил
20 декабрдаги 14-сон қарорига
ИЛОВА

**Қоракўлчилик субъектларига субсидия бериш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон «Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қоракўлчилик субъектларига субсидия бериш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
субсидия — экспортбоп қоракўл ва қоракўлча тери етиштириб, экспортга йўналтирувчи қоракўлчилик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан бериладиган молиявий ёрдам;

қоракўлчилик субъектлари — қоракўл қўйларини парвариш қилувчи ва улардан қоракўл ва қоракўлча тери етиштириш билан шуғулланувчи масъулияти чекланган жамиятлар ва фермер хўжаликлари;

қоракўл тери — қоракўл зотига мансуб она (совлик) қўйлардан туғилган қўзилардан олинадиган хом ашё;

қоракўлча тери — асосий подага яроқсиз она (совлик) қўйларни бўрдоқига боқиб, уруғлантириб бўғозликнинг 130 — 135 кунлигида сўйилиши натижасида олинадиган хом ашё.

2. Ушбу Низом талаблари 2019 — 2023 йилларда қоракўл ва қоракўлча тери етиштириб, экспортга сотадиган қоракўлчилик субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Субсидияларни ажратиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Қорақўл ва қорақўлча терини ўзида етиштирмасдан аҳоли ва бошқа қорақўлчилик субъектларидан харид қилган ёки қорақўл ва қорақўлча терини экспортга йўналтирмаган қорақўлчилик субъектларига субсидия ажратилмайди.

2-боб. Субсидия ажратиш шартлари

5. Қорақўл ва қорақўлча тери етиштириб, экспортга йўналтирувчи қорақўлчилик субъектлари субсидия олувчилар ҳисобланади.

6. Қорақўл ва қорақўлча тери етиштириб, экспортга сотган қорақўлчилик субъектларига ҳар молия йилида кейинги молия йилига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қуйидаги миқдорда бир марталик субсидия ажратилади:

қорақўлчилик субъектларида етиштириб, экспортга сотилган ҳар бир дона қорақўл териси учун 50 минг сўмдан;

қорақўлчилик субъектларида етиштириб, экспортга сотилган ҳар бир дона қорақўлча териси учун 75 минг сўмдан.

7. Қорақўлчилик субъектларига субсидия мазкур Низомнинг 1-илова-сига* мувофиқ схема асосида берилади.

8. Субсидия экспортбоп қорақўл ва қорақўлча тери етиштириш учун сарфланган харажатларининг бир қисмини қоплашга йўналтирилади.

3-боб. Субсидия бериш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

9. Қорақўлчилик субъектлари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) субсидия ажратишни сўраб мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда ариза топширади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

туман статистика бўлими томонидан берилган мавжуд қорақўл қўйлар бош сони ва етиштирилган қорақўл ва қорақўлча тери сони тўғрисида маълумотнома;

қорақўл ва қорақўлча терини экспорт қилиш бўйича экспорт шартно-маси ҳамда экспортга юборилган маҳсулотлар учун ҳисоб-фактура ҳужжатлари нусхалари;

қорақўл ва қорақўлча терини экспорт қилганлиги тўғрисида божхона юк декларацияси нусхаси.

10. Аризачи тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

11. Қорақўлчилик субъектларидан мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Қўмиитага бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади.

13. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар қоракўлчилик субъекти томонидан Қўмиитага бевосита тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 9-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаса, ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

14. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Қўмиитага қоракўлчилик субъекти томонидан почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 9-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, Қўмиита ариза келиб тушган санадан бошлаб бир иш куни ичида қоракўлчилик субъектига ҳужжатларни тегишли жавоб хати билан қайтаради.

15. Мазкур Низомнинг 9-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганда, Қўмиита ариза келиб тушган санадан бошлаб уч иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатлар асосида қоракўлчилик ҳўжаликларида етиштирилган ҳамда экспортга йўналтирилган қоракўл ва қоракўлча тери сонини ўрганади ҳамда қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади:

субсидия бериш тўғрисида — бу ҳақда аризачига бир иш куни ичида билдиришнома юборилади;

субсидия беришни рад этиш тўғрисида — бу ҳақда аризачига бир иш куни ичида сабаблари кўрсатилган ҳолда билдиришнома юборилади.

16. Субсидия бериш тўғрисидаги хулосада субсидия суммаси ва уни ажратиш муддати кўрсатилиши зарур.

17. Қўмиита қоракўлчилик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ваколатли давлат органларига тегишли сўровномалар юбориш орқали ўрганиб чиқади.

18. Қоракўлчилик субъектига субсидия ажратишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

қоракўлчилик субъекти мазкур Низомда белгиланган шартларга мос келмаса;

қоракўлчилик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мазкур Низомнинг 15-бандига асосан ўрганиш натижасида сохта ҳужжатлар тақдим этилганлиги ёки нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёхуд маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

19. Мазкур Низомнинг 18-бандида қайд этилганидан бошқа ҳолатларга кўра субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

20. Қоракўлчилик субъектлари Қўмиита томонидан субсидия беришни рад этиш тўғрисида билдиришнома юборилган кундан бошлаб кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда субсидия олиш учун Қўмиитага ариза билан қайта мурожаат қилишлари мумкин.

Бунда аризалар Қўмиита томонидан икки иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

21. Қоракўлчилик субъекти субсидия ажратилишини рад этиш тўғрисидаги хулосадан норози бўлган тақдирда, ўрнатилган тартибда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Субсидия тўловини амалга ошириш тартиби

22. Қўмита субсидия бериш тўғрисида хулоса қабул қилингандан сўнг бир иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига субсидия бериш тўғрисида буюртманомани тақдим этади.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир иш куни ичида буюртманомада кўрсатилган маблағларни Қўмитанинг махсус шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб беради.

24. Қўмитанинг махсус шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушган маблағлар бир иш куни ичида субсидия олувчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши лозим.

25. Молия йили якуни бўйича Қўмитанинг махсус шахсий ғазна ҳисобварағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

26. Субсидия ажратилган экспортёрларнинг реестри Қўмита томонидан юритиб борилади.

27. Реестрдаги маълумотлар ўзгарган ҳолларда, Қўмита томонидан тегишли ўзгартиришлар уч иш куни ичида киритилиши лозим.

28. Қўмита маълумотларнинг Реестрга тўғри, ўз вақтида киритилиши ва янгиланиб борилишига масъул ҳисобланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

29. Қоракўл ва қоракўлча тери етиштириб, экспортга сотган қоракўлчилик субъектларига ажратилган субсидияларни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

31. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ҳамда Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 20 декабрь

Иқтисодиёт ва саноат вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2019 йил 20 декабрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2019 йил 20 декабрь

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши раиси*

А. ҲАИТОВ

2019 йил 20 декабрь

*Республика «Қоракўлчилик»
уюшмаси раиси*

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2019 йил 20 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

30 **Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 396-сон «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жалб этиладиган банк кредитлари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кафолатлар берилиши ва муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 16 мартдаги 6/1-сон қарори (рўйхат рақами 1126, 2002 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 8-сон) билан тасдиқ-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 январда эълон қилинган.

ланган Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 декабрь,
31/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2019 йил
21 декабрдаги 31/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой
мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5 ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг муддатлари ресурсларнинг мавжудлиги ва уларнинг қайтарилиши имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгиланади.

6. Тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида, 2021 йил 1 январдан бошлаб бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда фоиз харажатларнинг бир қисмини компенсация қилиш механизмини қўллаш имконияти билан берилади.».

2. 9-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари кафолатини.».

3. 12-банддан «ва айлана муҳр билан тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. Рус тили матнидаги 3-боб номидаги «ссуды» деган сўз «кредита» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Кредитлар алоҳида кредит ҳисобварағидан қарз олувчининг тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади. Тўлов топшириқномаларига ушбу кредитни олиб боровчи кредит бўлими ходими томонидан имзо қўйилади. Бунда у кредит ҳисобварағидан амалга ошириладиган тўловларнинг мақсадли йўналишини қатъий назорат қилиб бориши лозим.».

6. 16-банддаги «ссуда ҳисоб рақамидан» деган сўзлар «кредит ҳисобварағидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Қарз олувчига ажратиладиган кредитлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) мувофиқ тегишли баланс ҳисобварақларида юритилади.».

8. 18-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Кредит бўлимининг фармойишига кўра ажратилган кредитлар бўйича алоҳида кредит ҳисобварақларида муддатли мажбуриятномалар расмийлаштирилади ва кредитлар тўлиқ қайтарилгунга қадар уларнинг ҳисоби юритилади.»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредитни қайтариш муддати етиб келганда ва қарз олувчининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, қарздорлик Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) белгиланган тартибда ундириб олинади.».

9. 20-банднинг биринчи хатбошисидаги «муддати ўтган ссудалар ҳисоб рақамига» деган сўзлар «муддати ўтган кредитлар ҳисобварағига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 22-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. 23-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банк туман (шаҳар) ҳокимлигининг кафолати билан ширкатларга ажратилган кредитлар бўйича юзага келган қарздорликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 396-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жалб этиладиган банк кредитлари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кафолатлар берилиши ва муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан туман (шаҳар) ҳокимлигидан ундириш ҳуқуқига эга.».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 18 январдан 24 январгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 28 декабрдаги 33/7-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-8.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 30 декабрдаги 01/11-14/63-сон «Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 887-7.

3. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 20 декабрдаги 14-сон «Қоракўлчилик субъектларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3213.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 21 декабрдаги 31/8-сон «Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-5.

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 3
(919)
27 январь
2020 года

Собрание законодательства Республики Узбекистан состоит из пяти разделов:

в первом разделе публикуются законы Республики Узбекистан и постановления палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан;

во втором разделе публикуются указы и постановления Президента Республики Узбекистан;

в третьем разделе публикуются постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан;

в четвертом разделе публикуются решения Конституционного суда Республики Узбекистан;

в пятом разделе публикуются нормативно-правовые акты министерств, государственных комитетов и ведомств, зарегистрированные Министерством юстиции Республики Узбекистан.

СОДЕРЖАНИЕ

Раздел первый

23. Закон Республики Узбекистан от 22 января 2020 года № ЗРУ–603 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан»

Раздел второй

24. Указ Президента Республики Узбекистан от 24 января 2020 года № УП–5924 «О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан»
25. Постановление Президента Республики Узбекистан от 22 января 2020 года № ПП–4569 «О дополнительных мерах по совершенствованию исполнительной структуры Кабинета Министров Республики Узбекистан»

26. Постановление Президента Республики Узбекистан от 22 января 2020 года № ПП-4570 «Об утверждении международного договора»

Раздел пятый

28. Приказ директора Агентства по управлению Государственными активами Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года № 01/11-14/63 «О внесении изменений в Инструкцию по организации инвентаризации и определению стоимости имущества и обязательств ликвидируемого предприятия» (*зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан 23 января 2020 г., регистрационный № 887-7*)
30. Постановление Центрального банка Республики Узбекистан от 21 декабря 2019 года № 31/8 «О внесении изменений и дополнений в Положение о порядке кредитования коммерческими банками товариществ частных собственников жилья в национальной валюте» (*зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 24 января 2020 г., регистрационный № 1126-5*)

Сведения о состоянии государственной регистрации нормативно-правовых актов министерств, государственных комитетов и ведомств с 18 января по 24 января 2020 года

РАЗДЕЛ ПЕРВЫЙ

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

23 О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан*

Принят Законодательной палатой
9 декабря 2019 года

Одобен Сенатом 14 декабря 2019 года

Статья 1. Внести в **часть первую статьи 10** Закона Республики Узбекистан от 9 декабря 1992 года № 734–ХІІ «**Об аудиторской деятельности**» (в редакции Закона Республики Узбекистан от 26 мая 2000 года № 78–ІІ) (Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2000 г., № 5-6, ст. 149; 2003 г., № 1, ст. 8; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2006 г., № 4, ст. 154, № 10, ст. 536; 2007 г., № 9, ст. 417; 2009 г., № 9, ст. 330; 2013 г., № 4, ст. 98; 2014 г., № 5, ст. 130; 2015 г., № 8, ст. 312; 2017 г., № 4, ст. 137; 2019 г., № 1, ст. 5) следующие дополнение и изменение:

дополнить **абзацем третьим** следующего содержания:

«общества с ограниченной и дополнительной ответственностью с балансовой стоимостью активов более ста тысяч базовых расчетных величин»;

абзацы третий — девятый считать соответственно **абзацами четвертым — десятым**.

Статья 2. Внести в **часть третью статьи 8** Закона Республики Узбекистан «О прокуратуре» от 9 декабря 1992 года № 746–ХІІ (в редакции Закона Республики Узбекистан от 29 августа 2001 года № 257–ІІ) (Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2001 г., № 9-10, ст. 168; 2003 г., № 5, ст. 67; 2005 г., № 1, ст. 18; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2007 г., № 6, ст. 249; 2008 г., № 9, ст. 487, № 12, ст. 636; 2011 г., № 4, ст. 101; 2012 г., № 9/2, ст. 244; 2015 г., № 8, ст. 310; 2016 г., № 9, ст. 276; 2017 г., № 3, ст. 47, № 6, ст. 300, № 9, ст. 510, № 10, ст. 605; 2018 г., № 4, ст. 218, № 7, ст. 431; 2019 г., № 1, ст.ст. 1, 5, № 5, ст. 267, № 11, ст. 791) следующие изменения:

абзац четвертый исключить;

абзац пятый считать **абзацем четвертым**.

Статья 3. Уголовный кодекс Республики Узбекистан, утвержден-

* Настоящий Закон опубликован в «Национальной базе данных законодательства» 23 января 2020 г.

ный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2012–XII (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 1, ст. 3; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1996 г., № 9, ст. 144; 1997 г., № 2, ст. 56, № 9, ст. 241; 1998 г., № 5-6, ст. 102, № 9, ст. 181; 1999 г., № 1, ст. 20, № 5, ст. 124, № 9, ст. 229; 2000 г., № 5-6, ст. 153; 2001 г., № 1-2, ст. 23, № 9-10, ст. 165; 2002 г., № 9, ст. 165; 2003 г., № 1, ст. 8, № 9-10, ст. 149; 2004 г., № 1-2, ст. 18, № 9, ст. 171; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 9, ст. 314, № 12, ст.ст. 417, 418; 2006 г., № 6, ст. 261, № 12, ст. 656; 2007 г., № 4, ст.ст. 158, 166, № 6, ст. 248, № 9, ст.ст. 416, 422, № 12, ст. 607; 2008 г., № 4, ст.ст. 187, 188, 189, № 7, ст. 352, № 9, ст.ст. 485, 487, 488, № 12, ст.ст. 640, 641; 2009 г., № 1, ст. 1, № 4, ст. 128, № 9, ст.ст. 329, 334, 335, 337, № 12, ст. 470; 2010 г., № 5, ст.ст. 176, 179, № 9, ст. 341, № 12, ст.ст. 471, 477; 2011 г., № 1, ст. 1; 2012 г., № 4, ст. 108, № 9/1, ст. 242, № 12, ст. 336; 2013 г., № 4, ст. 98, № 10, ст. 263; 2014 г., № 1, ст. 2, № 5, ст. 130, № 9, ст. 244, № 12, ст. 343; 2015 г., № 6, ст. 228, № 8, ст.ст. 310, 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 4, ст. 125, № 9, ст. 276, № 12, ст.ст. 383, 385; 2017 г., № 3, ст. 47, № 6, ст. 300, № 9, ст.ст. 506, 510; 2018 г., № 1, ст. 4, № 4, ст.ст. 218, 224, № 7, ст. 430, № 10, ст. 679; 2019 г., № 1, ст.ст. 3, 5, № 3, ст. 161, № 5, ст.ст. 267, 268, № 7, ст. 386, № 8, ст. 471, № 9, ст. 592, № 11, ст. 787), дополнить **статьями 148¹ и 148²** следующего содержания:

«Статья 148¹. Нарушение требований о недопустимости использования труда несовершеннолетних

Использование труда несовершеннолетнего на работах, которые могут причинить вред его здоровью, безопасности или нравственности, совершенное после применения административного взыскания за такое же деяние, — наказывается штрафом до двадцати пяти базовых расчетных величин или лишением определенного права до трех лет либо исправительными работами до трех лет.

Статья 148². Административное принуждение к труду

Административное принуждение к труду в какой-либо форме, за исключением случаев, предусмотренных законом, совершенное после применения административного взыскания за такое же деяние, —

наказывается штрафом от ста до ста пятидесяти базовых расчетных величин или лишением определенного права до двух лет либо исправительными работами до двух лет.

То же действие, совершенное в отношении несовершеннолетнего после применения административного взыскания за такое же деяние, —

наказывается штрафом от ста пятидесяти до двухсот базовых расчетных величин или лишением определенного права до трех лет либо исправительными работами до трех лет».

Статья 4. Внести в Кодекс Республики Узбекистан об адми-

нистративной ответственности, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2015–XII (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 3, ст. 6; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 9, ст. 193, № 12, ст. 269; 1996 г., № 5-6, ст. 69, № 9, ст. 144; 1997 г., № 2, ст. 56, № 4-5, ст. 126, № 9, ст. 241; 1998 г., № 3, ст. 38, № 5-6, ст. 102, № 9, ст. 181; 1999 г., № 1, ст. 20, № 5, ст. 124, № 9, ст. 229; 2000 г., № 5-6, ст. 153, № 7-8, ст. 217; 2001 г., № 1-2, ст. 23, № 9-10, ст.ст. 165, 182; 2002 г., № 1, ст. 20, № 9, ст. 165; 2003 г., № 1, ст. 8, № 5, ст. 67, № 9-10, ст. 149; 2004 г., № 1-2, ст. 18, № 5, ст. 90, № 9, ст. 171; 2005 г., № 1, ст. 18; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 9, ст. 312, № 12, ст.ст. 413, 417, 418; 2006 г., № 6, ст. 261, № 9, ст. 498, № 10, ст. 536, № 12, ст.ст. 656, 659; 2007 г., № 4, ст.ст. 158, 159, 164, 165, № 9, ст.ст. 416, 421, № 12, ст.ст. 596, 604, 607; 2008 г., № 4, ст.ст. 181, 189, 192, № 9, ст.ст. 486, 488, № 12, ст.ст. 640, 641; 2009 г., № 1, ст. 1, № 9, ст.ст. 334, 335, 337, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 462, 468, 470, 472, 474; 2010 г., № 5, ст.ст. 175, 179, № 6, ст. 231, № 9, ст.ст. 335, 339, 341, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 468, 473, 474; 2011 г., № 1, ст. 1, № 4, ст.ст. 104, 105, № 9, ст.ст. 247, 252, № 12/2, ст. 365; 2012 г., № 4, ст. 108, № 9/1, ст. 242, № 12, ст. 336; 2013 г., № 4, ст. 98, № 10, ст. 263; 2014 г., № 1, ст. 2, № 5, ст. 130, № 9, ст. 244, № 12, ст.ст. 341, 343; 2015 г., № 6, ст. 228, № 8, ст.ст. 310, 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 1, ст. 2, № 4, ст. 125, № 9, ст. 276, № 12, ст.ст. 383, 385; 2017 г., № 4, ст. 137, № 6, ст. 300, № 9, ст. 510, № 10, ст. 605; 2018 г., № 1, ст.ст. 1, 4, 5, № 4, ст. 224, № 7, ст.ст. 430, 431, 432, № 10, ст.ст. 671, 673, 679; 2019 г., № 1, ст.ст. 1, 3, 5, № 2, ст. 47, № 3, ст.ст. 161, 165, 166, № 5, ст.ст. 259, 261, 267, 268, № 7, ст. 386, № 8, ст.ст. 469, 471, № 9, ст.ст. 591, 592, № 10, ст.ст. 674, 676, № 11, ст.ст. 787, 791), следующие изменения и дополнения:

- 1) **часть вторую статьи 49¹** исключить;
- 2) дополнить **статьей 50¹** следующего содержания:

«Статья 50¹. Нарушение законодательства о частных агентствах занятости

Нарушение должностным лицом законодательства о частных агентствах занятости —

влечет наложение штрафа от десяти до пятнадцати базовых расчетных величин.

Непредоставление должностными лицами частных агентств занятости сведений об их деятельности в Министерство занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан, а равно искажение данных или нарушение сроков представления сведений —

влечет наложение штрафа от пятнадцати до двадцати базовых расчетных величин.

Совершение правонарушений, предусмотренных частями первой и второй настоящей статьи, повторно в течение года после применения административного взыскания —

влечет наложение штрафа от двадцати пяти до тридцати базовых расчетных величин»;

3) **статью 51** изложить в следующей редакции:

«Статья 51. Административное принуждение к труду

Административное принуждение к труду в какой-либо форме, за исключением случаев, предусмотренных законом, —

влечет наложение штрафа от пятидесяти до ста базовых расчетных величин.

То же правонарушение, совершенное в отношении несовершеннолетнего, —

влечет наложение штрафа от семидесяти до ста базовых расчетных величин»;

4) **диспозицию части первой статьи 60** изложить в следующей редакции:

«Самовольное пользование землей, водами, растительным или животным миром либо совершение сделок или иных действий, нарушающих в прямой или скрытой форме право собственности на землю и другие природные ресурсы (за исключением недр и подземных вод), переуступка права специального природопользования»;

5) диспозицию части первой статьи 70 после слов «нарушение требований и порядка пользования недрами» дополнить словами «(за исключением добычи полезных ископаемых без лицензии)»;

6) дополнить **статьей 70²** следующего содержания:

«Статья 70². Добыча полезных ископаемых без лицензии

Добыча полезных ископаемых без лицензии, а равно старательская добыча без лицензии, за исключением подземных вод и полезных ископаемых, находящихся в руслах рек, —

влечет наложение штрафа на граждан от тридцати до пятидесяти, а на должностных лиц — от пятидесяти до ста базовых расчетных величин.

То же правонарушение, совершенное повторно в течение года после применения административного взыскания, —

влечет наложение штрафа на граждан от пятидесяти до семидесяти, а на должностных лиц — от ста до ста пятидесяти базовых расчетных величин с конфискацией предмета, явившегося орудием совершения или непосредственным предметом административного правонарушения»;

7) **часть первую статьи 147** изложить в следующей редакции:

«Повреждение дорог, железнодорожных переездов, других сооружений или технических средств регулирования дорожного движения, а также умышленное создание помех для дорожного движения, в том числе путем загрязнения дорожного покрытия, а равно самовольная раскопка автомобильных дорог, возведение на них искусственных неровностей и препятствий, неисполнение требований разрешения, выданного для осуществления работ на автомобильной дороге, а также нарушение правил содержания дорог —

влечет наложение штрафа на граждан в сумме от одного до трех, а на должностных лиц — десяти базовых расчетных величин»;

8) **статью 230** дополнить **частями второй и третьей** следующего содержания:

«Непринятие мер по обеспечению регистрации рождения найденного (подкинутого) ребенка должностными лицами органов опеки и попечительства или медицинского учреждения, администрацией учреждения, в котором находится найденный (подкинутый) ребенок, —

влечет наложение штрафа от одного до двух базовых расчетных величин.

Непринятие мер по обеспечению своевременной регистрации рождения и смерти должностными лицами медицинского учреждения, а равно неправильное и (или) неточное заполнение медицинской справки о рождении либо медицинского свидетельства о смерти, в том числе перинатальной —

влечет наложение штрафа от одного до двух базовых расчетных величин»;

9) в **части первой статьи 245:**

после слов «частью второй статьи 70¹» дополнить словами «частью второй статьи 70²»;

после слов «статьей 146¹» дополнить словами «статьей 147 (за самовольную раскопку автомобильных дорог, возведение на них искусственных неровностей и препятствий, неисполнение требований разрешения, выданного для осуществления работ на автомобильной дороге, а также нарушение правил содержания дорог)»;

10) **пункт 5 части второй статьи 248** после цифры «147» дополнить словами «(кроме правонарушений, касающихся самовольной раскопки автомобильных дорог, возведения на них искусственных неровностей и препятствий, неисполнения требований разрешения, выданного для осуществления работ на автомобильной дороге, а также нарушения правил содержания дорог)»;

11) **часть первую статьи 255** изложить в следующей редакции:

«Должностные лица Государственной трудовой инспекции рассматривают дела об административных правонарушениях, предусмотренных статьями 49, 49², 49³, 50, 50¹, 51 и 229 настоящего Кодекса»;

12) **часть первую статьи 260¹** после слов «(за исключением безопасности ведения работ при пользовании недрами)» дополнить словами «частью первой статьи 70²»;

13) **наименование и часть первую статьи 268²** изложить в следующей редакции:

«Статья 268². Инспекция по контролю в сфере строительства

Должностные лица инспекции по контролю в сфере строительства при установлении административных правонарушений, предусмотренных статьями 99 и 178 (в части нарушения законодательства о защите прав потребителей) настоящего Кодекса, составляют протокол об административном правонарушении»;

14) дополнить **статьей 268⁴** следующего содержания:

«Статья 268⁴. Органы по надзору за качеством дорожно-строительных работ

Должностные лица Инспекции по контролю за качеством дорожно-строительных работ при Министерстве транспорта Республики Узбекистан при установлении административных правонарушений, предусмотренных статьей 99 (в части нарушений законодательства в сфере дорожного строительства), частью первой статьи 147 (при самовольной раскопке автомобильных дорог, возведении на них искусственных неровностей и препятствий, неисполнении требований разрешения, выданного для осуществления работ на автомобильной дороге, а также нарушении правил содержания дорог) настоящего Кодекса, составляют протокол об административном правонарушении.

Протокол об административном правонарушении в порядке, установленном статьей 282 настоящего Кодекса, направляется для рассмотрения в суд».

Статья 5. Часть третью статьи 30 Закона Республики Узбекистан от 31 августа 1995 года № 113–I «О карантине растений» (в редакции Закона Республики Узбекистан от 9 июля 2018 года № ЗРУ–484) (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2018 г., № 7, ст. 429) исключить.

Статья 6. Текст статьи 15 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, утвержденного законами Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года № 163–I и от 29 августа 1996 года № 256–I (Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1996 г., приложение к № 2, № 11-12; 1997 г., № 2, ст. 56, № 9, ст. 241; 1998 г., № 5-6, ст. 102; 1999 г., № 1, ст. 20, № 9, ст. 229; 2001 г., № 1-2, ст. 23, № 9-10, ст. 182; 2002 г., № 1, ст. 20, № 9, ст. 165; 2003 г., № 1, ст. 8, № 5, ст. 67; 2004 г., № 1-2, ст. 18, № 5, ст. 90, № 9, ст. 171; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2006 г., № 4, ст. 154, № 9, ст.ст. 494, 498; 2007 г., № 1, ст.ст. 3, 5, № 4, ст.ст. 156, 164, № 8, ст. 367, № 9, ст. 416, № 12, ст.ст. 598, 608; 2008 г., № 4, ст. 192, № 12, ст. 640; 2009 г., № 9, ст. 337; 2010 г., № 9, ст.ст. 335, 337, 340; 2011 г., № 12/2, ст.ст. 363, 364, 365; 2012 г., № 4, ст.ст. 106, 109, № 12, ст. 336; 2013 г., № 10, ст. 263; 2014 г., № 5, ст. 130, № 12, ст. 343; 2015 г., № 8, ст.ст. 310, 312; 2016 г., № 4, ст. 125; 2017 г., № 4, ст. 137, № 9, ст. 510, № 12, ст. 773; 2018 г., № 1, ст. 4, № 4, ст. 224, № 7, ст. 433, № 10, ст. 673; 2019 г., № 3, ст.ст. 161, 166, № 5, ст. 267, № 10, ст. 671), изложить в следующей редакции:

«Убытки, причиненные гражданину или юридическому лицу в результате принятия акта, не соответствующего законодательству, государственным органом или органом самоуправления граждан, а также незаконных действий (бездействия) их должностных лиц, подлежат возмещению государством или органом самоуправления граждан. Такие убытки возмещаются за счет внебюджетных средств государственного органа или за счет средств органа самоуправления граждан.

В случае упразднения государственного органа или органа самоуправления граждан, недостаточности их средств или отсутствия внебюджетных средств государственного органа либо средств органа самоуправления граждан убытки, причиненные гражданину или юридическому лицу, возмещаются за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан.

Решением суда возмещение убытков может быть возложено на должностных лиц государственных органов, органов самоуправления граждан, по вине которых причинены убытки».

Статья 7. Внести в Закон Республики Узбекистан от 26 апреля 1996 года № 223–I «**Об акционерных обществах и защите прав акционеров**» (в редакции Закона Республики Узбекистан от 6 мая 2014 года № ЗРУ–370) (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2014 г., № 5, ст. 128; 2015 г., № 8, ст. 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 4, ст. 125, № 9, ст. 276; 2018 г., № 1, ст.ст. 1, 4; № 4, ст. 224; 2019 г., № 3, ст. 166) следующие изменения:

1) **часть четвертую статьи 84** изложить в следующей редакции:

«Крупная сделка совершается исполнительным органом общества после принятия общим собранием акционеров или наблюдательным советом общества решения по ней. При этом решение о заключении крупной сделки принимается в обязательном порядке с изучением независимой внешней аудиторской организацией ее условий с учетом рыночной стоимости имущества, определенной оценочной организацией в соответствии с законодательством»;

2) **часть пятую статьи 88** изложить в следующей редакции:

«Решение об одобрении сделки с аффилированным лицом принимается участвующими в заседании членами наблюдательного совета общества единогласно либо квалифицированным большинством голосов акционеров, участвующих в общем собрании акционеров. При этом решение о заключении сделки с аффилированным лицом общества, стоимость активов которого составляет десять или более процентов стоимости чистых активов общества, принимается в обязательном порядке с изучением независимой внешней аудиторской организацией ее условий с учетом рыночной стоимости имущества, определенной оценочной организацией в соответствии с законодательством».

